

ПАХТА МОЙИ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Магистрантлар: Нематжонов Р.Р., Мўминов Э.М. - М7-13 ООХ.

Илмий раҳбар: Саттарова Б.Н., Обидов З.Ж.

“Озиқ- овқат технологияси” кафедраси

Пахта мойини халқаро стандартлар даражасида ишлаб чиқариш ва уларни ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси (ТИФ ТН)да халқаро код рақамларини кимёвий таркиби асосида турлари бўйича алоҳида-алоҳида таснифлаш маҳсулотни ташқи бозорга олиб чиқиш гаровидир. Маълумки сифатли мой ишлаб чиқариш учун аввалом бор мой таркибидаги турли хил қўшимча ҳамроҳ моддалардан бутунлай тозалаш тақозо этилади. Ушбу жараён рафинация номи билан маълум бўлиб, унинг турли хилдаги мойли уруғлардан олинган мойларни тозалашдаги усуллари самаралисини қўллаш масаласи долзарб ҳисобланади.

Рафинация жараёнида ёғ ва мойлар ҳамроҳ моддалардан тозаланади. Рафинация турли физикавий ва кимёвий жараёнларнинг мураккаб комплекси, уларни қўллаш ёғдан ҳамроҳ моддаларни ажратиш олишга имкон беради. Бу жараёнларнинг характери, ёғнинг табиати ва тозаланган ёғ сифати билан аниқланади.

Рафинация усулини шундай танлаш керакки, бунда ёғнинг триглицерид қисми ўзгаришсиз қолсин ва ёғдан максимал миқдорда қимматли ҳамроҳ моддалар (фосфатидлар) ажралиб чиқсин. Рафинация жараёнида ёғ таркибидаги ҳамроҳ захарли кимёвий моддаларни ҳам тўлиқ йўқотилишини таъминлаши керак.

Хом ёғлар таркибида ишлаб чиқариш ва сақлаш шароитига қараб ҳар хил аралашмалар қўп ёки кам бўлиши мумкин. Бу аралашмалар мойларга ранг, ўзига хос таъм ва ҳид беради, чўкма ҳосил қилади ва уларни хиралаштиради. Хом ёғда ҳамиша маълум миқдорда эркин ёғ кислоталар бўлади. Ёғнинг ишлатилишига қараб бу аралашмаларнинг айримлари зарарли ёки кераксиз бўлиши мумкин.

Рафинация қилинган ёғни истеъмолга ёки техник мақсадда ишлатиш мумкин. Рафинацияланмаган ёғ ва мойларни эса ишлатиш қийинчилик туғдиради ва баъзи бир ҳолларда умуман ишлатиб бўлмайди. Ёғ таркибидаги аралашмалар ҳар хил бўлганлиги учун рафинация жараёни комплекс усулда яъни мойдан чиқариб ташланаётган аралашманинг таркиби, хусусиятига қараб турли реагентлар ёрдамида кетма-кет жараёнлар билан олиб борилади.

Ҳозирда замонавий рафинациялаш усулининг ривожланиши масалаларни комплекс ҳал қилади ва ўсимлик мойлари ҳамроҳ моддалардан тозаланиб, ҳосил бўлган маҳсулотларни истеъмолчилар томонидан озиқ-овқат сифатида ва техник мақсадларда ишлатилади. Шунингдек, ёғдан қимматли маҳсулот стеарин ва витаминларни ажратиш олиш ҳамда госсиполни мустақил маҳсулот сифатида ажратиш олиш усуллари ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, саноатда фойдаланиш йўлга қўйилди.

Озиқ-овқат учун ишлатиладиган ёғлар тўлиқ цикл билан рафинацияланиши керак: фосфатидлар ва мумсимон моддаларни ажратиш, эркин ёғ кислоталарини, пигмент моддаларни йўқотиш талаб этилади.

Техник мақсадлар учун ишлатиладиган ёғлар қисқа цикл билан рафинация қилинади. Масалан, гидрогенизацияга кетаётган ёғ дезодорация қилинмайди.

Бироқ, юқорида берилган рафинация усулларининг таснифланиши шартлидир. Ҳамма аралашмаларни бир усул ёрдамида йўқотиш мумкин эмас. Шунинг учун амалда 1та технологик схемага бирлашувчи бир нечта усуллар қўлланилади. Масалан: озиқ-овқат учун ишлатиладиган ёғларни рафинация жараёнига: чўктириш----филтрлаш---гидратациялаш---ишқорли рафинация--оқлаш---дезодорация усуллари киради.

Демак, мамлакатимизда пахта ёғини сифатини кўтариш ва уни экспортбоб маҳсулот даражасига етказишда аввалом бор ишлаб чиқаришни замонавий ускуналар билан таъминлаш, корхонага сифат тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлиб, комплекс тарзда рафинациялаш ҳамда унда маҳаллий ассорбентлардан кенг фойдаланиш маҳсулот сифати ва самарадорлигини ошишига олиб келади.